

Tomorqada dorivor giyohlar yetishtiriladi



ТОМОРҚАДА ДОРИВОР ГИЁҲЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ



Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўн сотихли томорқадан унумли ва самарали фойдаланиш орқали нафақат янаш учун бирламчи зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, балки оила бюджетини бутлаб, иқтисодий барқарорликка эришиш мумкинлигини тадбиркор-миришкорлар амалда исботлади. Лекин бундай ишбилармон кишилар томорқага эга жами оилалар сонига нисбатан жуда кам.

Айрим "ер эгалари"ни боқимандалик кайфиятидан қўқариб, уларга ер билан тиллашиш илмини ўргатиш, шу билан бирга, бозор талабларини тушунтириш кераклиги ҳам айни ҳақиқат. Хўш, буни юм ўргатади? Ҳоқимлик вакиллари уйма-уй юриб, "уни эк, буни эк", дая кўрсатма бергани билан эртага бирор натижага эришолмаган томорқачи ҳаммасига қўл силтаб, тузукроқ иш топилмаганидан нолиши ҳам бор гап.

Шу йилнинг 8 апрель кўни Президентимиз раислигида коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон ўз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, даромадларини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун катта заҳира ва имкониятларга эга экани таъкидланган эди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Навоий бўлими аҳолини томорқадан фойдаланишга ўргатиш масаласига ўзига хос таразда ёндашди.

— Шу йилнинг эрта баҳоридаяк кишлоқ аҳолида томорқадан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва унга оила бюджетининг қўшимча даромад манбаи сифатида қарашга ўргатиш мақсадида томорқада доривор ўсимликларни экиш

таклифини бердик, — дейди ЎзФА Навоий бўлими раиси, геология-минералогия фанлари доктори Абдуразақ Мирзаев. — Бунинг учун Нурота туманининг чекка кишлоқлари аҳолиси ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик ва хоҳловчиларга доривор ўсимликлар уруғлари текин етказиб берилди. Бўлимнинг ёш олимлари уруғларни экиш технологияси билан таъинштириш мақсадида хонадонлардаги 0,5-1 сотих ерга ишлов бериб, экиб кўрсатди.

Шу йилнинг март ойида навоийлик олимлар томонидан Нурота туманининг ўн иккита кишлоғида ўтказилган маҳорат машғулотларида мойчечак (ромашка) ва тирноқул (календула) уруғлари аҳолига текин тарқатилди. Шу билан бирга, уларга агротехник ишлов бериш бўйича ишлаб чиқилган йўриқнома тарқатилди. Аҳоли билан тузилган шартномага мувофиқ, доривор ўсимликлар ҳосилини Фанлар академияси Навоий бўлими қилишилган нарҳда сотиб олади. Шундан сўнг бўлим ҳудуддаги тадбиркорлар билан ҳамкорликда бу доривор ўсимликларни қайта ишлайди.

— Президентимиз томонидан шу йил 10 апрелда қабул қилинган "Еввойи ҳолда ўсуви доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" қарори саяё-ҳаракатимизни янада кенгроқ ва самарали амалга ошириш имкониятини беради, — дейди Абдуразақ

Мирзаев. — Қарорга мувофиқ, таълим муассасаларида, одамлар кенг фойдаланадиган жамоат жойларида фитобарлар ташкил этилади. Бу юртдошларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Энг асосийси, энди томорқаларда етиштирилган доривор ўсимликларни сотиб олишга талаб пайдо бўлади, ҳеч бўлмаганда, аҳолининг ўзи ҳам улардан дамлама тайёрлаб ичса, соғлиги учун фойдали бўлишини англаб етади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий бўлими 2017 йили ташкил этилган бўлиб, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаштириш орқали ҳудуднинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилапти. Бўлимда бешта йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилади. Шунлардан бири кишлоқ хўжалигига оид ялғанишлардир. Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига 2018 йил 2 мартдаги ташрифи чоғида ҳудудда ҳар бир соҳага илм олиб кириш, айниқса, кишлоқ хўжалигига илмий ёндашиш, кишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг томорқалардан унумли фойдаланишга йўналтирилган tavsiyalar ишлаб чиқиш бўлими олимларининг устувор вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланган эди. Ушбу топшириқларни бажариш борасида навоийлик олимлар ташаббуси ўз қўлларига олган.

**"Жарма" мақалла
фуқаролар йиғинида
яшовчи 75 ёшли Остонақул
бобо Худойбердиев ўз
томорқасининг 3,5 сотихида
картошка ва сабзавот
экинлари, шунингдек,
2 сотихида доривор
ўсимликлар етиштиряпти.**

— Ҳадисини олганга томорқа қони фойда, — дейди Остонақул бобо. — 10 сотихдан ортироқ томорқамиз бор. Ҳар йили помидор, сабзи, картошка сингари маҳсулотлар экамиз, лекин турли касалликлар туфайли қўзланган ҳосилни ололмасдик. Утган йили олимлар қолиб, сабзавотларни парваришлаш, уларнинг касалликлари ва зараркундаларига қарши курашиш бўйича tavsiyalar берди. Ҳатто ўзлари яратилган янги, самарали препаратларни текинга берди. Ҳосилимиз яхшиланди. Ортиқчасини бозорда сотиб, қам-қўстимизга сарфладик. Бу йил тажриба учун доривор ўсимлик ҳам эдик. Бугунги кунда карантин туфайли доривор ўсимликларнинг ўсиши устидан назорат масофавий таразда, аҳоли билан видеосалоҳа воситасида амалга оширилляпти, зарур ҳолларда мутахассислар тегишли маслаҳат ва tavsiyalar бермоқда.

Мана шундай мураккаб даврда олимларнинг томорқа эгалари билан самарали ҳамкорликни ташкил этилган юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлади.